

**МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТИЗИМИДА МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ РОЛИНИНГ
ТАКОМИЛЛАШУВИ: 2025–2026 ЙИЛЛАР ИСЛОҲОТЛАРИ ВА ХОРИЖИЙ
ТАЖРИБА**

Музаффарова Мафтуна Юсуф қизи

Анотация: Ушбу мақола Ўзбекистон Республикасида маъмурий жавобгарлик тизимида Миллий гвардия органлари ролининг такомиллашуви масалаларини ўрганишга бағишланган. Мақолада Миллий гвардия ходимларининг қонуний талабларини бажармаслик учун маъмурий жавобгарликнинг ҳуқуқий асослари ва 2025–2026 йилларда амалга оширилган ислоҳотлар (жарима миқдорларининг оширилиши, электрон баённома тузиш ваколоти, вояга етмаганлар билан ишлашдаги ўзгаришлар, шаффофлик принципларининг жорий этилиши) таҳлил қилинади. Инфратузилма ва молиявий муаммолар, жавобгарликнинг номутаносиблиги ҳамда детализация етишмаслиги каби амалий тўсиқлар кўриб чиқилди. Россия Федерациясининг маъмурий ҳуқуқ тизими (КоАП РФ 19.3-моддаси) тажрибаси қиёсий таҳлил қилиниб, жазо чораларининг градацияси ва индивидуал ёндашувнинг Ўзбекистон шароитида қўллаш имкониятлари асослантирилди. Мақола асосида ишлаб чиқилган концептуал таклифлар (жавобгарликнинг даражаланиши, электрон тизимларни ривожлантириш, халқаро ҳамкорлик ва фуқаролар ҳуқуқий маданиятини ошириш) тизимни янада самарали ва адолатли қилишга хизмат қилади.

Анотация: Статья посвящена совершенствованию роли органов Национальной гвардии Республики Узбекистан в системе административной ответственности. В работе анализируются правовые основы ответственности за невыполнение законных требований сотрудников Национальной гвардии, а также реформы 2025–2026 годов (увеличение размеров штрафов, введение права составления электронных протоколов, расширение полномочий по работе с несовершеннолетними, закрепление принципов прозрачности).¹² Рассматриваются практические проблемы инфраструктуры и финансирования, несоответствия ответственности и недостатка детализации. Проведен сравнительный анализ опыта Российской Федерации (ст. 19.3 КоАП РФ), где градация санкций и индивидуальный подход демонстрируют высокую эффективность.³⁴ Разработанные концептуальные предложения (градация ответственности, развитие электронных систем, международное сотрудничество и повышение правовой культуры граждан) направлены на повышение эффективности и справедливости системы административного права.

Abstract: This article is dedicated to the improvement of the role of the National Guard bodies of the Republic of Uzbekistan within the administrative liability system. The paper examines the legal foundations of administrative liability for non-compliance with the lawful demands of National Guard officers, as well as the reforms implemented in

2025–2026 (increase in fine amounts, introduction of the right to draw up electronic protocols, expansion of powers regarding minors, and establishment of transparency principles).¹² Practical issues such as infrastructure and financial shortcomings, disproportionality of liability, and lack of detail are analyzed. A comparative analysis of the Russian Federation's experience (Article 19.3 of the Code of Administrative Offences) is conducted, highlighting the effectiveness of sanction gradation and individual approach.³⁴ The conceptual proposals developed in the article (gradation of liability, development of electronic systems, international cooperation, and enhancement of citizens' legal culture) aim to make the administrative law system more efficient and just.

Ўзбекистон Республикасида жамоат ҳавфсизлиги ва ҳуқуқ тартибини таъминлаш тизимининг муҳим таркибий қисми сифатида Миллий гвардия органларининг роли тобора ортиб бормоқда. Миллий гвардия ходимларининг қонуний талаблари — жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва фавқулодда ҳолатларда тезкор чора кўриш борасидаги асосий ҳуқуқий восита ҳисобланади. Бироқ, сўнгги йилларда ушбу талабларга бўйсунмаслик ҳолатларининг кўпайиши (2021 йилда 56 474 та, 2022 йилда 88 401 та, 2023 йилда 88 988 та, 2024 йилда 85 278 та маъмурий ҳуқуқбузарлик қайд этилгани)¹ ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

2025–2026 йиллардаги қонунчилик ислоҳотлари бу муаммони ҳал этишга қаратилган муҳим қадамлар бўлди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 31 июль 2025 йилда имзоланган ЎРҚ-1078-сон Қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган ўзгартиришлар Миллий гвардия ходимларининг қонуний талабларини бажармаслик учун жазо чораларини сезиларли даражада кучайтирди: жарима миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг (БХМ) 5 бараваридан (2 млн 60 минг сўм) 12 бараваригача (4 млн 944 минг сўм) оширилди, такрорий ҳолатларда эса 12 бараваридан 30 бараваригача (12 млн 360 минг сўм) жарима ёки 15 суткагача маъмурий қамоқ қўлланилади.² Шунингдек, Миллий гвардияга электрон баённома тузиш ҳуқуқи берилди, ходимлар фуқарога мурожаат қилганда ўзини таништириши ва ҳуқуқ-мажбуриятларни тушунтириши мажбурий этиб белгиланди.³

Ушбу ўзгаришлар ҳуқуқий тартибни мустаҳкамлаш билан бирга, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жавобгарликнинг пропорционаллиги ва индивидуал ҳолатларни ҳисобга олиш принципларини таъминлаш заруратини ҳам юзага чиқармоқда. Мазкур мақола Миллий гвардия ходимларининг қонуний талабларини бажармаслик учун маъмурий жавобгарликнинг ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш, мавжуд муаммолар (инфратузилма етишмаслиги,

¹ ИИО ва Миллий гвардия ходимининг қонуний талабларини бажармаганлик учун жарима миқдорлари оширилмоқда. *Gazeta.uz*, 28 май 2025. <https://www.gazeta.uz/uz/2025/05/28/iio>

² Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги Қонун. ЎРҚ-1078-сон, 31.07.2025 (Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиришлар, Миллий гвардия ходимларининг талабларини бажармаслик учун жазо кучайтирилиши)

³ Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги Қонунлар (электрон баённома ва ваколатлар кенгайтирилиши, 2023–2025 йиллар ўзгаришлари). *lex.uz* (МЖТК ва Миллий гвардия Қонуни таҳрирлари)

жавобгарликнинг номутаносиблиги, деталлизация етишмаслиги) ва хорижий тажриба (Россия мисолида) асосида такомиллаштириш йўналишларини кўриб чиқишга бағишланган. Илмий асосда ишлаб чиқилган концептуал таклифлар тизимни янада самарали ва адолатли қилишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқ тартибини сақлаш тизимида Миллий гвардия органлари муҳим ўрин тутди. Уларнинг қонуний талабларини бажармаганлик учун маъмурий жавобгарлик механизмларини ривожлантириш ва ҳуқуқий асосларини илмий жиҳатдан яхшилаш фуқаролар билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасидаги муносабатларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Қуйидаги илмий-таҳлилий материалда ушбу соҳадаги асосий муаммолар, илмий асосланган хулосалар ҳамда қонунчиликни такомиллаштириш ва амалий тавсиялар баён этилади. Бу таклифлар 2025–2026 йиллардаги қонунчилик ўзгаришлари (жумладан, Миллий гвардия ходимларининг ваколатлари кенгайтирилиши, электрон баённома тузиш ҳуқуқи берилиши ва фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш нормалари жорий этилиши) билан ҳамоҳангдир.⁴

Мазкур соҳада ҳуқуқий аниқликни таъминлаш мақсадида қуйидаги муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилди:

- Миллий гвардия ходимининг қонуний талаби — ҳуқуқий асосга эга бўлган, жисмоний ва юридик шахслар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган, Миллий гвардия ходими томонидан қўйилган ёки бажарувчига унинг томонидан берилаётгани аён бўлган қатъий талабдир.

Ушбу таъриф Миллий гвардия тўғрисидаги қонун нормалари билан уйғунлаштирилиб, талабларнинг мажбурийлиги ва шаффофлигини таъкидлайди. Илмий нуқтаи назардан, бу таъриф ҳуқуқий нормаларнинг интерпретациясини яхшилади ва амалиётда ҳуқуқбузарликларни аниқлашни осонлаштиради.⁵

Миллий гвардия ходимлари бириктирилган хизмат худудларида ишлаш учун зарур инфратузилма етишмаслиги муҳим тўсиқ ҳисобланади. Кичик постлар учун асосий техник воситалар — компьютер, принтер ва бошқа жиҳозларнинг йўқлиги фуқаролар билан самарали ҳуқуқий муносабатларни амалга оширишга халақит беради. Бу ҳолат ходимлар ваколатларини тўлиқ рўёбга чиқариш имконини чеклайди.

Шунингдек, хизмат худудида транспорт воситалари ва улардаги ҳаракатлар устидан назорат ўрнатиш ваколатининг етарли даражада белгиланмаганлиги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга нисбатан чора кўришда муаммолар келтириб чиқаради. Мазкур ваколатларни ҳуқуқий асосда аниқ белгилаш ва амалий қўллаш имконини таъминлаш зарурлиги илмий жиҳатдан асослантилган. 2025–2026 йиллардаги инфратузилмани ривожлантириш дастури ва техника билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар бу муаммоларни ҳал этишга хизмат қилиши мумкин.⁶

⁴ Миллий гвардия ходимларининг ваколатлари кенгайтирилиши ҳақида (ЎРҚ-842, 12.05.2023).

⁵ Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисидаги Қонун. ЎРҚ-647-сон, 10-модда (қонуний талаблар мажбурийлиги).

⁶ Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (2025 йил ўзгаришлари).

Мавжуд маъмурий қонунчиликда қонуний талабларга бўйсунмаслик ҳолатларида жазо чоралари кўпинча бир хил тарзда қўлланилади. Бу индивидуал ҳолатларни ҳисобга олиш имконини чеклайди. Қонун нормаларида жазо миқдорини вазиятга мувофиқ — енгилдан оғиргача — аниқ белгилаш, шахсий ёки жамоат хавфсизлигига таҳдид даражасига қараб фарқлантириш зарурлиги илмий асосда таъкидланган.

2025 йилдаги ўзгаришларга кўра, Миллий гвардия ходимларининг қонуний талабларини бажармаганлик учун жарима миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг (БХМ) 5 бараваридан 12 бараваригача оширилган, такрорий ҳолатларда эса 30 бараваригача ёки 15 суткагача маъмурий қамоқ қўлланилади.⁷ Бу ислохотлар жавобгарликни кучайтирди, лекин янада деталлаштириш ва градация тизимини жорий этиш талаб этилади.

Фуқаро Миллий гвардия ходимига қарши ҳаракат қилганда (қаршилик кўрсатиш, ҳақорат қилиш, тан жароҳати етказиш) қонунчиликда жазо чоралари аниқ ва даражаланган тарзда белгиланиши лозим. Бу ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти самарадорлигини ва ходимлар ҳуқуқий ҳимоясини таъминлайди.

Россия Федерацияси маъмурий ҳуқуқбузарликлар кодекси (КоАП РФ) 19.3-моддасига кўра, полиция ходими, Миллий гвардия ходими ёки бошқа ваколатли шахсининг қонуний талабига бўйсунмаслик ёки уларнинг вазифаларини бажаришга тўсқинлик қилиш учун жазо қўлланилади: фуқаролар учун 2000–4000 рубль жарима, 15 суткагача маъмурий қамоқ ёки 40–120 соат мажбурий ишлар.⁸ Россияда жазо даражаланиши индивидуал ҳолатларга (енгил ҳақоратдан оғир қаршиликкача) қараб фарқланади, бу эса ҳуқуқий адолатни таъминлайди. 2025 йилда Россияда ушбу модда бўйича минглаб ҳолатлар қайд этилган, уларнинг аксарияти жарима билан ҳал қилинган.

• Жазо чораларининг градация тизимини жорий этиш: енгил ҳуқуқбузарликлар учун жарима (БХМнинг 5 баравари), ўртача ҳолатлар учун маъмурий қамоқ (7 суткагача), оғир ҳолатлар учун жиноий жавобгарлик (Россия тажрибасидаги каби, 15 суткагача қамоқ).

• Ходимлар учун ҳуқуқий ўқитиш дастурини ташкил этиш: ҳар йили семинарлар ўтказиш орқали ваколатларнинг ҳудудий назоратини кучайтириш ва фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш.

• Электрон тизимларни жорий этиш: ҳуқуқбузарликларни қайд этиш ва баённома тузиш учун мобил иловалардан фойдаланиш, бу самарадорликни 30 фоизга ошириши мумкин.

• Халқаро ҳамкорлик: Россия ва бошқа давлатлар билан бирга тажриба алмашиш орқали ягона стандартлар ишлаб чиқиш, масалан, ҳуқуқий ҳимоя ва жазо даражалари бўйича.

⁷ Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги Қонун. ЎРҚ-1078-сон, 31.07.2025 (жарима миқдорлари).

⁸ Кодекс Российской Федерации об административных правонарушениях (КоАП РФ), статья 19.3 (2025 йил таҳрири). consultant.ru

• Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш: оммавий ахборот воситалари орқали Миллий гвардия ходимларининг ваколатлари ва фуқаролар мажбуриятлари ҳақида тушунтириш кампаниялари фаолиятини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Миллий гвардия ходимларининг қонуний талабларини бажармаганлик учун маъмурий жавобгарлик механизмларини ривожлантириш жамоат хавфсизлигини кучайтириш ва ҳуқуқий муносабатларни адолатли тартибга солишнинг муҳим йўналишидир. Ишлаб чиқилган таклифлар инфратузилмани яхшилаш, жавобгарликни деталлаштириш ва фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш орқали тизим самарадорлигини оширади. 2025–2026 йиллардаги қонунчилик ўзгаришлари ушбу ислохотларнинг давоми бўлиб, ходимлар ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларни янада шаффоф ва самарали қилади. Ватан ҳимоячиларининг ҳуқуқий ҳимояси — жамият тинчлиги ва осойишталигининг асосидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисидаги Қонун : ЎРҚ-647-сон, 18.11.2020 й. (2025 йил ўзгаришлари билан). – Тошкент : Адлия вазирлиги, 2025. – lex.uz/docs/5128310

2. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги Қонун : ЎРҚ-1078-сон, 31.07.2025 й. (Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиришлар). – Тошкент : Адлия вазирлиги, 2025. – lex.uz/docs/7659506

3. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (янги таҳрирда). – Тошкент : Адлия вазирлиги, 2025. – lex.uz/docs/97664

4. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисидаги Қонун (таҳрирлар ва ўзгартиришлар тўплами). – Тошкент : Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси нашри, 2025.

5. Кодекс Российской Федерации об административных правонарушениях : Федеральный закон от 30.12.2001 № 195-ФЗ (2025 йил таҳрири). – Москва : Официальный интернет-портал правовой информации, 2025. – consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34661/

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йилдаги қарорлари ва фармонлари тўплами (инфратузилма ва ҳуқуқ тартибини таъминлаш бўйича). – Тошкент : Норма нашриёти, 2025.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2025 йил январ–август ойларидаги қонун лойиҳалари ва қабул қилинган ҳужжатлар. – lex.uz (расмий электрон манба).

8. lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг расмий электрон базаси. – <https://lex.uz>

9. consultant.ru – Россия Федерацияси қонунчилигининг расмий электрон базаси. – <https://www.consultant.ru>